

## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 03 | pp. 199-208 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### БАНКЛАРДА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ



Юлдошев Оббос Амонович

Турон университети ўқитувчиси

Email: [abbosyuldashev667@gmail.com](mailto:abbosyuldashev667@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада молиявий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишда банк соҳасида рақамли технологияларни қулланилиши аҳамияти кўрсатилади. Жумладан, масофавий банк хизматларининг аҳолига қулайликлари ошиб бораётганлиги ҳамда уни ривожлантириш хусусида мулоҳаза юритилиб, таклифлар келтирилади. Бундан ташқари, жаҳоннинг айрим давлатларида ва халқаро транзакциялар учун рақамли валютанинг қулланилиши муваффақиятлари ва уни Ўзбекистонда ҳам жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр юритилади. Шунингдек, рақамлаштириш билан боғлиқ молиявий хизматлар самарадорлигини ошириш борасида давлатнинг рағбатлантириш функциясини фаоллаштириш зарурлиги хусусидаги таклифлар билдирилади.

**Калит сўзлар.** тўлов тизими, масофавий банк хизматлари, рақамли технология, чакана тўлов тизимлари (Uzcard ва Humo), марказий банк рақамли валюталари (МБРВ).

**Кириш.** Аҳолига молиявий хизматни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бу - тўлов тизими архитектурасини жадал ривожлантиришдир. Тўлов тизими - бу қийматни бир шахсдан (ёки хўжалик юритувчи субъектдан) иккинчисига ўтказиш тушунчасидир. Бугунги кунда рақамли ахборот технологиялари иқтисодиётнинг барча соҳаларига жадал кириб бориб, унинг шакли ва моделларини ўзгартирмоқда. Рақамли технологиялар ҳисоб-китоб ва тўлов тизимларининг шакли, мазмуни билан боғлиқ технологик жараёнларини ўзгартириб, уларни тез ва қулай бажармоқда. Улар мобиль банк иловалар, онлайн-банкнинг, сунъий интеллект, блокчейн технологиялари, Big-data технологиялари, электрон тўлов тизимлари ва электрон ҳамёнлардан фойдаланишга асосланган. Замонавий тўлов тизимлари қулай, тез ва хавфсиз бўлиши керак. Бунинг учун турли технологиялар қўлланилмоқда, масалан, мобиль тўловлар, онлайн банкнинг ва электрон ҳамёнлар. Тўловларнинг хавфсизлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида криптовалюталар тизимида қулланилаётган блокчейн технологияларидан фаол фойдаланилмоқда. Шунингдек, мақолада биз рақамлаштириш технологияларининг тўлов тизимларига самарали таъсирини кўриб чиқамиз. Рақамлаштириш шароитида тўлов тизимлари янги имкониятларга эга бўлиши эътироф этилсада, бироқ уларни хавфсизлигини таъминлаш асосий муаммога айланмоқда.

Адабиётлар шарҳи. Тўлов тизимларининг самарадорлигини ошириш учун уларнинг архитектурасини яъни, унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлов жараёнлари тузилмасини ривожлантириш зарур.

Тўлов тизимининг институционал тузилмаси шаффоф, тезкор ва самарали тарзда ташкил этилиши керак. Бунинг учун тизимнинг барча зарурий техник-технологик, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари мукамал боғлиқликда яратилиши зарур.

Тўлов тизимини таҳлил қилган кўплаб олимлар унга ҳар хил таърифларни берганлар. Жумладан, Х.У. Раҳимова “Мамлакатнинг тўлов тизими – бу пул маблағларининг узлуксиз айланишини таъминлайдиган ва бозор субъектлари ўртасидаги шартнома мажбуриятларининг бажарилишига ёрдам берувчи ихтисослашган муассасалар, тўлов ва ҳисоб-китоб механизмлари ва тамойиллари мажмуидир” деб изоҳлаган [1].

Рус олими - иқтисодчи В.М. Усоскин тўлов тизимини қуйидагича изоҳлайди: "Тўлов тизими - бу пул маблағларини ўтказиш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг қарз мажбуриятлари бўйича қарзларини тўлаш учун ишлатиладиган турли хил воситалар ва усуллар" [2]. Р.Ш. Салаев Марказий банклар рақамли валютасининг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилган [3], А.Эрдонаев тижорат банклари трансформацияси қулайликларини [4] таҳлил қилган.

Молиявий хизматлар самарадорлигини ошириш замонавий рақамли банк фаолиятининг ривожланишига бевосита боғлиқ бўлиб, у яқин 10-15 йилликда шаклланиб, ривожланиш босқичидан ўтаётганлиги сабабли тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади.

### Таҳлил ва натижалар.

*Масофавий банк хизматларининг ривожланиши.* Ўзбекистон банк тузилмаларида ҳам молиявий хизматлар бўйича бир қанча ижобий ўзгаришларни кўриш мўмкин. Жумладан, рақамли технологияларга асосланган масофавий банк хизматларидан (МБХ) фойдаланувчилар сонини банклар кесимида қуйидаги жадвалда кўрамыз.

1-жадвал

### Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони 2024 йил 1 август ҳолатига\*

	Банк	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар	Жами
1	Миллий банк	108 797	2 028 981	2 137 778

2	Ўзбекистон саноат- қурилиш банки	74 537	6 189 832	6 264 369
3	Агробанк	221 998	5 574 275	5 796 273
4	Ипотека-банк	173 784	3 304 263	3 478 047
5	Микрокредитбанк	74 096	1 064 120	1 138 216
6	Халқ банки	120 781	4 791 543	4 912 324
7	Гарант банк	7 000	78 836	85 836
8	Бизнесни ривожлантириш банки	32 532	292 449	324 981
9	Туронбанк	48 616	475 896	524 512
10	Намкорбанк	128 309	1 772 240	1 900 549
11	Асака банк	36 861	820 191	857 052
12	Ипак Йўли банки	69 642	2 786 256	2 855 898
13	Ziraat bank Uzbekistan	5 298	70 690	75 988
14	Трастбанк	50 026	255 080	305 106
15	Алоқабанк	65 495	1 615 416	1 680 911
16	ҚДБ Банк Ўзбекистон	1 434	51 534	52 968
17	Содерот банк Тошкент	446	2 825	3 271
18	Универсал банк	13 933	166 176	180 109
19	Капиталбанк	57 660	1 519 429	1 577 089
20	Octobank	2 719	73 884	76 603
21	Давр-банк	26 149	246 796	272 945
22	Invest Finance bank	17 878	380 145	398 023
23	Asia Alliance bank	26 900	599 467	626 367
24	Ориент Финанс банк	30 729	617 509	648 238
25	Мадад Инвест банк	1 148	1 939	3 087
26	AVO bank	125	299	424
27	Пойтахт банк	1 157	11 268	12 425
28	Tenge bank	3 423	240 818	244 241
29	TBC bank	-	3 650 976	3 650 976
30	ANOR bank	29 812	4 210 585	4 240 397
31	UZUM bank	-	1 300 046	1 300 046
32	НАҲОТ bank	-	1 898	1 898

<b>Жами</b>	<b>1 431 285</b>	<b>44 195 662</b>	<b>45 626 947</b>
-------------	------------------	-------------------	-------------------

\* Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий сайти. – <https://cbu.uz/ru>.

Ушбу жадвалда МБХ дан фойдаланувчилар сони банклар кесимида келтирилган бўлиб, унда МБХ дан фойдаланувчи **жисмоний шахслар** сони бўйича энг юқори кўрсаткич Ўзбекистон саноат-қурилиш банкида (6 189 832 киши), кейинги ўринларни Агробанк (5 574 275 киши), Халқ банки (4 791 543 киши) ва ANOR bank (4 210 585 киши) эгалламоқда. Шунини қайд этиш керакки, ANOR bank мамлакатимизда ташкил бўлган янги банклардан (2020 йил онлайн-сервис ишга туширилган) бўлишига қарамасдан, мавжуд 32 та банклар орасида бў йўналишда мижозлар сонини кескин ошириб, муваффақиятга эришаётганлигини кўриш мўмкин.

Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизимида (2014 йилда жорий этилган) республикада фаолият юритаётган чакана тўлов тизимларининг (Uzcard ва Нумо) банк карталари орқали жами 30 дан ортиқ хизматлар (барча коммунал ташкилотлар, бюджет тўловлари, нотариат ва ФХДЁ тўловлари, жарима ва бошқа тўловлар) бўйича тўловлар реал вақт режимида амалга оширилмақда ҳамда тизим орқали амалга оширилаётган тўловлар ҳажми ва кўлами доимий равишда ортиб бормоқда.

Миллий карточкали чакана тўлов тизимларининг (Uzcard ва Нумо) жорий қилиниши қандай натижа бераётганлигини қуйидаги диаграммада кўрамиз.




Диаграмма маълумотлари йиллар (2018-2022) давомида банк карталари сони ошиб бориши билан транзакциялар суммаси ҳам ўсиб борганлигини кўрсатади, жумладан, 2022 йилда 2018 йилга нисбатан банк карталари сони **1,9** мартага (34 196 / 17 686) ошган бўлса, мос равишда транзакциялар сўммаси **2,8** мартага (177 671 / 63 712) ошган. Бундан, чакана тўлов тизимларининг (Uzcard ва Нумо) жорий қилиниши анъанавий тўлов тизимларидан фарқли равишда ривожланиш тенденциясини кўрсатаётганлиги яъни, аҳолига қулайликлар келтираётганлигини хулоса қилиш мўмкин.

Шундай бўсада, ҳамон кўпчилик одамлар ҳозир ҳам аввалгидек, банк муассасалари кассасида тўлов учун навбат кутмоқда. Буни Қашқадарё вилоят Халқ банки кассаларида тўлов учун навбат кутаётган одамлар мисолида кўриш мўмкин (Расм 1).

Расм 1



Ушбу одамларнинг кўпчилиги асосан коммунал тўловлар ва ҳар хил жарималарни нақт пулда тўлаш учун банк кассасига келганлигини маълум қилишди. Умуман, бундай навбат кутаётган одамларни коммунал ташкилотларнинг ўзидаги мавжуд банк кассаларида ҳам кўриш мўмкин.

Бунга қуйидаги 2 та сабаб бўлиши мўмкин:

1) одамларни тўлов тизимларидан фойдаланиш бўйича саводхонлиги етишмаслиги;

2) вақтинча ишсиз одамлар тўловларни амалга ошириш учун ўзларига банк пластик карталари расмийлаштириб олмаганлиги.

Иккинчи ҳолатни мулоҳаза қиладиган бўлсак, мавжуд қонунчилик бўйича ҳар қандай фуқаро банкка мурожаат қилиб, ўзининг номига банк пластик картаси олиши мўмкин ва уни банк кассасига нақт пул тўлаб ёки бошқа шахсларнинг пластик карталаридан пул ўтказмалари тизими орқали электрон пуллар билан тўлдириши ва тўлов тизимлари (Сlic ёки бошқа) орқали масофадан тўловларни амалга ошириши мўмкин.

Демак, ҳар иккала ҳолатга ҳам аҳолининг саводхонлиги етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Шу сабабдан, саводхонликни ошириш мақсадида банклар томонидан тегишли тадбирлар амалга оширилиши лозим.

**Марказий банк рақамли валютаси(МБРВ)ни жорий қилишнинг афзалликлари.** Алоқаларни рақамли каналларга ўтказиш - ахборот ва тўлов хизматларидан тезроқ ва қудайроқ фойдаланишни ҳамда иш тартибини автоматлаштиришни таъминлайди.

Рақамлаштириш одатда операцион моделлардаги икки турдаги

ўзгаришларни англатади. Биринчи тур - алоқаларни рақамли каналларга ўтказиш, иккинчиси - одатий операцияларни автоматлаштириш. Улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у бизнес жараёнларининг самарадорлиги ва улардан фойдаланишнинг қулайлигини оширишга қаратилган. Натижада, тўлов тизими субъектлари ўз мижозларига сифатлироқ ва арзонроқ хизматларни таклиф қилишлари мўмкин.

Ҳозирги кунда дунёда мавжуд тўлов тизими архитектурасини иккита асосий турга бўлиш мўмкин.

Биринчи тур - тўлов тизимида асосий ролни Марказий банк эгаллайди. Иккинчи тур - бу тартибга солинмайдиган ёки ҳеч қандай давлат органига бўйсунмайдиган, мустақил равишда ишлайдиган электрон хусусий тўлов тизимлари. Бунга рақамли валюта кўринишдаги криптовалюталар (масалан, Bitcoin) марказлашмаган платформасини келтириш мўмкин.

Айнан, иккинчи тур тўлов тизими ишончли, шаффоф, тез ва қулай амалга оширилиши туфайли у дунё ҳамжамиятини қизиқтириб қолди. Бироқ, у қайсидир давлатнинг пули бўлиши учун уни айнан шу давлатнинг марказий банки бошқариши лозим. Шу сабабдан, сўнгги йилларда бутун дунё бўйлаб ички ва халқаро тўловлар учун марказий банк рақамли валюталаридан фойдаланишни ўрганаётган марказий банклар сони сезиларли даражада ошди. Халқаро ҳисоб-китоблар банки маълумотларига кўра, бутунги кунда дунё регуляторларининг 86 фоизи ушбу масалани ўрганмоқда.

Марказий банк рақамли валюталари (МБРВ) дунёнинг ўнга яқин мамлакатларида, жумладан Кариб денгизи, Жануби-Шарқий Осиё ва Африка минтақаларида жорий этилди. Тарихда биринчи марта миллий марказий банк рақамли валюталари 2020-йил октябрь ойида бир вақтнинг ўзида икки давлат – Багама ороллари ва Камбоджада қонуний тўлов воситаси сифатида расман тан олинган.

**МБРВ тизимининг қулайликлари.** Ривожланган давлатларда синовдан ўтказилаётган марказий банкнинг рақамли валюта (МБРВ) тўлов тизимлари - аҳолига молиявий хизматни самарадорлигини оширади. Жумладан,

Хитой Халқ банки Хитой Марказий банкида офлайн тўлов имкониятларини ўрганиш орқали рақамли юан лойиҳасини фаол илгари сурмоқда. Бундан ташқари, ХХР регулятори Хитой Марказий банкнинг трансчегаравий имкониятларини синаб кўриш бўйича қўшма тажрибалар ўтказиш учун Халқаро ҳисоб-китоблар банкнинг (Банк международных расчётов-БМР) m-CBDC Bridge халқаро лойиҳасига қўшилди. Хитой ҳозирда Марказий банкнинг рақамли валюта (МБРВ) лойиҳасини кенгайтиришда дунёда етакчилик қилмоқда.

mBridge - универсал кўп валютали рақамли марказий банк тизими бўлиб, унда бир нечта марказий банклар рақамли қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиб олиш орқали иштирок этиши мўмкин. Келажакда mBridge ривожланиш учун мос рақамли марказий банк тизимларининг ўзаро таъсирини қўллаб - қувватлаши керак.

Лойиҳа доирасида тақсимланган реестр (блокчейн) технологиясига асосланган

Марказий рақамли банк платформасининг прототиби синовдан ўтказилди. Ушбу платформада халқаро мультивалюта ҳисоб-китоб операциялари амалга оширилди ва эксперимент натижасида трансчегаравий ўтказмалар бир неча сонияда амалга ошиши қайд этилди.

Фойдаланиш учун сиз мобилъ смартфонга банк иловасини юклаб олишингиз ва уни миллий (ёки бошқа) валюта билан тўлдириб, РВ электрон ҳамёнига ўтказишингиз керак. РВ электрон ҳамёни фойдаланувчиларнинг банк ҳисоблари билан боғланган ва марказий банк томонидан назорат қилинади. Барча операциялар реал вақт режимида амалга оширилади ва марказий банк томонидан қайд этилади.

Келажакда mBridge орқали пул ўтказмалари учун тўловлар трансчегаравий банклараро ўтказмалар учун жорий тўловларнинг ярмини ташкил қилиши кутилмоқда. Шундай қилиб, платформа корреспондент банк тизимига муқобил бўлиши мўмкин. Шунингдек, бу рақамли банк платформасидан кредитлашда ҳам фойдаланилади.

mBridge ташаббуси Гонконг пул муомаласи бошқармаси ва Таиланд банки ўртасида Inthanon-LionRock деб номланган қўшма лойиҳа сифатида бошланган. Кейинчалик лойиҳага Халқаро ҳисоб-китоблар банки (БМР), Хитой Халқ банки рақамли валюта институти ва БАА Марказий банки қўшилди. mBridge нинг асосий мақсади трансчегаравий ўтказмаларни осонлаштиришдан иборат.

Умуман, рақамли валюталарнинг қулайликлари сабабли дунёнинг кўплаб давлатлари ўзларининг рақамли валюталарини яратишни ўйламоқда. Жумладан, Европа Марказий банки (ЕМБ) вакиллариининг таъкидлашича, МБРВ нинг жорий қилиниши Евротизимнинг молиявий барқарорлиги ва суверенитетига таҳдид солиши мўмкин бўлган ташқи электрон тўлов тизимларига қарамликдан қочишга ёрдам беради.

Глобал миқёсда, марказий банклар рақамли валюталарининг (МБРВ) яратилиши биринчи навбатда, марказий банкларнинг рақамли суверенитетини таъминлаш ва уларнинг ролини кучайтиришга қизиқиши билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан МБРВ нинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- капитал ҳаракати устидан давлат назорати имкониятларини ошириш;
- марказий банклар валютасида ҳисоб-китоблар улушини ошириш;
- тўловларда миллий валюталардан фойдаланишни ошириш;
- тўловлар самарадорлигини ошириш ва хусусий рақамли валюталар билан рақобатлашиш қобилиятини ошириш.

Маълумки, Ўзбекистон 2025 йил 1 январдан БРИКСнинг ҳамкор давлати мақомини олди.

Россия молия вазири ўринбосари Иван Чебесковнинг таъкидлашича, Россия БРИКСга аъзо мамлакатлар марказий банклари билан биргаликда миллий валюталарда, жумладан рақамли тўловлар учун BRICS Bridge платформасини ишга

тушириш устида ишламоқда (масалан, бу рақамли рубл, юан ёки риал бўлиши мўмкин).

BRICS Bridge платформасининг асосий ғояси иштирокчи мамлакатларнинг марказий банклари томонидан чиқарилган рақамли молиявий активлардан фойдаланишдир. Ушбу активлар миллий валюталарга боғланади, бу ҳисоб-китоб иштирокчиларига минимал ҳаражатлар билан деярли бир зумда тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, 2026 йилга келиб регуляторларнинг тахминан 20 фоизи чакана рақамли қимматли қоғозларни чиқариши мўмкинлиги тахмин қилинмоқда. Катта иқтисодиёт мамлакатларидан бирида рақамли қимматли қоғозлар чиқариш бўйича ижобий қарор бошқа регуляторларнинг фаоллашишига олиб келиши ва бу глобал миқёсда занжирли боғланишни ташкил қилиши мўмкин. Жорий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, марказий банк рақамли валюталари биринчи навбатда алоҳида мамлакатларда, кейин эса халқаро транзакциялар учун янги тўлов воситасига айланиши мўмкин. Шу сабабли, рақамли валюталардан фойдаланишнинг қулайликларини ҳисобга олиб, шунингдек, рақамли валюталар билан боғлиқ халқаро транзакцияларга ўз вақтида жавоб қайтариш мақсадида Ўзбекистоннинг ҳам ўз марказий банки рақамли валютасини (рақамли сўм) яратишга киришиши мақсадга мувофиқ. Бунда албатта, РВ операциялари хавфсизлиги ҳисобга олиниши лозим.

Умуман, молиявий хизматларни самарадорлигини ошириш мақсадида рақамлаштиришни амалга ошириш маълум ҳаражатлар (масалан; дастурлаш, автоматлаштириш, интеграция ва бошқалар) билан боғлиқ. Шу сабабли барча соҳаларда рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш мақсадида давлатнинг рағбатлантириш функциясини фаоллаштириш зарур. Жумладан:

- солиқ тўловчиларнинг рақамлаштириш билан боғлиқ хизматларни (қонуний аниқлаштирилган рўйхати бўйича) реализация қилиш бўйича айланмаларини солиқ солишдан (фойда ва қўшилган қиймат солиғидан) озод қилиш;

- рақамлаштиришни жадаллаштириш мақсадида республикада шу соҳа билан шуғулланувчилар (жисмоний ва юридик шахслар) ўртасида рақамлаштириш мавзулари бўйича тез-тез конкурслар ўтказиб туриш ва ғолибларни ҳар хил даражада пул мукофотлари билан тақдирлаш лозим. Бу эса шу соҳа билан шуғулланувчи салоҳиятли мутахассислар сонининг ошиши ва келажакда мукамал рақамли технологиялар яратилишини рағбатлантиради. Бундай тадбирлар ҳар хил даражадаги давлат ва хусусий субъектлар (вазирлик, ташкилот ёки ўқув муассасалари) томонидан ўтказилиши мўмкин.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, аҳолига молиявий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

## Хулоса ва таклифлар

### 1. Рақамли технологияларни қулланилиши бўйича аҳоли саводхонлигини



**ошириш.** Аҳоли саводхонлигини ошириш бўйича илмий кўргазмали эшиттиришларни телевидения ва интернет тармоқлари орқали намойиш қилиш;

**2.Масофавий банк хизмати моделларини ривожлантириш.** Масофавий банк хизматларини кўрсатиш бўйича рақамли банк иловаларининг турларини кўпайтириш, шунингдек, мавжудларини янги хизмат функциялари билан бойитиш орқали мижозларга қулайликлар яратиш юзасидан янги банк бизнес моделларини яратиш;

**3.Рақамлаштиришни рағбатлантириш тадбирларининг зарурати - муваффақият омили.** Рақамлаштиришни жадаллаштириш мақсадида республикада шу соҳа билан шуғулланувчилар ўртасида рақамлаштириш мавзулари бўйича тез-тез конкурслар ўтказиб турилиши ва ғолибларни ҳар хил даражада пул мукофотлари билан тақдирлаш лозим. Бу эса шу соҳа билан шуғулланувчи салоҳиятли мутахассислар сонининг ошиши ва келажақда мукамал рақамли технологиялар яратилишини рағбатлантиради. Шу сабабли, бундай тадбирларни ҳар хил даражадаги давлат ва хусусий субъектлар (вазирлик, ташкилот ёки ўқув муассасалари) томонидан ўтказилиши мўмкин.

**4.Рақамли валюта имкониятларидан фойдаланиш.** Айрим давлатларнинг ўз рақамли валютасидан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бораётганлигини ҳамда шу йўналишдаги халқаро тажриба ютуқларидан келиб чиқиб, яқин келажақда марказий банк рақамли валютаси(МБРВ)ни мамлакатимизда жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Марказий банки томонидан “**марказий банк рақамли валютаси**” концепциясининг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ;

**5.Соҳаларда рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш мақсадида давлатнинг рағбатлантириш функциясини фаоллаштириш.** Соҳаларда рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш йўналишида давлатнинг рағбатлантириш функциясини фаоллаштириш ҳамда рақамлаштириш ва молиявий хизматларни самарадорлигини ошириш мақсадида солиқ тўловчиларнинг рақамлаштириш билан боғлиқ хизматларни (қонуний аниқлаштирилган рўйхати бўйича) реализация қилиш бўйича айланмаларини солиқ солишдан (фойда ва кўшилган қиймат солиғидан) маълум муддатга озод қилиш.

Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши молиявий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириб, аҳолига қулайликлар яратади ва умуман мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожланишига ёрдам беради.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Рахимова Х.У. (2024) Современные тренды в цифровизации платёжной системы Узбекистана. MOLIYA VA BANK ISHI, 1(2024).1-7
2. Белоусова В.Ю., Усоскин В.М.(2012) Платежные системы и организация расчетов в коммерческом банке. – М.: Издательский дом НИУ ВШЭ, – 192 с
3. Салаев, Р. Ш. (2022). Тижорат банкларида рақамли активлар муомаласини ташкил қилиш ва уни ўзига хос хусусиятлари. MOLIYA VA BANK ISHI, 8(1).
4. Эрдонаев А. Теоретические основы трансформации коммерческих банков. // «Рынок, деньги и кредит» ежемесячный экономический научно- практический

журнал, 4/2023. С.-3-11.

5. Петрова, Л., & Кузнецова, Т. (2020). Цифровизация банковской системы: цифровая трансформация среды и бизнес-процессов. Финансовый журнал, (3), 91-101.

6. Джуффе, Ф. (2021). Цифровизация банковского сектора. Retrieved May 14, 2021, from Цифровизация банковского сектора | Finance de Demain Consulting.

7. Azimovich, A. U., & Shavkatovich, S. R. (2021). Improving Money Supply Regulation in the Digital Economy. European Scholar Journal, 2(10), 44-51.

8. Официальный сайт Центрального банка Республики Узбекистан. Интернет сайт: <https://www.cbu.uz>.

9. Газета.uz расмий веб-сайти <https://www.gazeta.uz/uz/2024/12/27/brics/>

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

